



БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ  
(ТУРЛАРИ БҮЙИЧА).

Тошкент архитектура-қурилиш  
институти хузуридаги тармоқ  
маркази

**МИЛЛИЙ ҚУРИЛИШ НОРМА  
ВА ҚОИДАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:** доц. Р.А. Кўчкоров- Курилишда техник меъёrlаш маркази директори

**Тақризчи:** ТДТУ, доц. Пирматов Р.

*Ўқув -услубий мажмуда ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>20</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>54</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>63</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>67</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>69</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, компьютер дастурлари асосида ҳисоблаш технологияси усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, қурилиш конструкцияларини замонавий педагогик технологиялар асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш технологияларини амалиётга жорий этиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминлади.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Миллий қурилиш норма ва қоидалари**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор foялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Миллий қурилиш норма ва қоидалари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини биноларни лойиҳалаш, қурилиши ва фойдаланишда энергия истеъмолини камайтириш йўлларини;

Ўзбекистон қуруқ иссик иқлими шароитида энергия самарадор биноларни лойиҳалаш асосларини;

замонавий иссиқлик изоляция материаллар хоссалари ва қўлланишининг ўзига хос омилларини;

биноларни энергоаудит ва сертификатлаш услубларини, уларни таъмирлашда энергия самарадорлигини ошириш йўлларини;

курилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологиялар курсини ўқитищдаги илғор хорижий тажрибалар;

бино ва иншоотлар қурилиши соҳасидаги инновациялар, замонавий асбоблардан фойдаланган ҳолда лойиҳалашдаги геодезик ишлар;

курилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш усуллари;

биноларни эскириши назарияси ҳақида умумий маълумотларни;

биноларни эксплуатация қилишнинг умумий масалалари, кўрик тизимлари, махсус кўзатув-текширув ишлари, техник диагностика, таъмирлаш тизимларини билиши керак

### **Модулнинг вазифалари:**

модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишга доир билимларини такомиллаштириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва

- қурилиш лойиҳалаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий-технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш соҳасидаги замонавий технологиялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш соҳасидаги илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитищда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Миллий қурилиш норма ва қоидалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

### **Тингловчи:**

- уй-жой биноларини таъмирлашда уларни энергия истеъмоли техник холатини текшириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- талаб этилган меъёрий хужжатлар ва илмий-техникавий маълумотлар билан ишлаш;
- биноларнинг иссиқлик ҳимоясини таъминлаш шартлари асосида ташқи тўсик конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш;
- бино ва иншоотларни куриш ва эксплуатация қилишдаги геодезик ишларни самарали ташкил қилиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологияларни қўллаш;
- биноларни эскиришини аниқлаш, кўзатув-текширувда техник диагностика ишларини ўтказиш;
- биноларни эксплуатация қилишда кўрик тизимларини ташкил қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- реконструкция, кучайтириш, қайта тиклашда ҳисоблаш ва лойиҳалаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларини қўллай олиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- уй-жой биноларни энергия самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал эта олиш;
- бино ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлашда энергия тежамкор технологияларини қўллаш;

• уй-жой фондларини энергия самарадорлигини ошириш долзарб масалаларини ечиш ва мөнбеттүү хужжатларни талабларини амалиётта күллай олиш;

• курилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологияларни күллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш, инновацион таълим технологиялари асосида ўкув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

• бино ва иншоотлар курилиши йўналишидаги илгор инновацияларини кўллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш ушбу соҳада инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

• биноларга ташхис қўйишда зарур бўлган амалдаги мөнбеттүү хужжатлардан фойдаланиш;

• биноларни кўрик тизимларини ташкил қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, реконструкция, кучайтириш, қайта тиклашда замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

• бино ва иншоот конструкцияларини автоматлаштирилган ҳолда лойиҳалаш;

• бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларини кўллаш;

• бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ишлатиладиган дастурий таъминотларни кўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Миллий қурилиш норма ва қоидалари”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

• маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланган ғолда ўтказилади;

• ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик

гурұхлар билан ишлаш, коллоквиум үтказиши, ва бошқа интерактив таълим усулларини құллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан бөглиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуні ўқув режадаги “Миллий қурилиш норма ва қоидалари”, “Қурилиш конструкцияларини лойиҳалашни автоматлаштириш”, “Бино ва иншоотларни текшириш ва реконструкция қилиш” ўқув модуллари билан узвий бөгланған ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласы.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модул олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бүйича малака ва құникмаларини такомиллаштиришга қаратылғанлиги билан ақамиятлидир.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар компьютер дастурларидан фойдаланиб ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг укув юкламаси, соат		
		Хаммаси	Аудитория укув юкламаси	
			Жа ми	Жумладан

				<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	
<b>1</b>	Ўзбекистон Республикаси миллий меъёрлар тизими.	4	4	4		
<b>2</b>	Қурилишда меъёрий хужжатлар тизими.	2	2	2		
<b>3</b>	Қурилиш иқлимий зоналарнинг тавсифи.	2	2	2		
<b>4</b>	Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси	4	4		2	2
<b>5</b>	Ишларни бажариш лойиҳаси	4	4		2	2
<b>6</b>	Иқтисодий меъёрлар.	2	2		2	
<b>Жами</b>		<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси миллий меъёрлар тизими.**

Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида қурилиш меъёр ва қоидалари (КМК, ШНҚ) ўрни ва аҳамияти. Меъёрий хужжатларни тизимлаштириш қонун ва қоидалари.

### **2-Мавзу: Қурилишда меъёрий хужжатлар тизими.**

Асосий қоидалари (КМК1.01.01-96). Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби (КМК 1.01.02-96). Ўзбекистон республикаси худудини қурилиш иқлимий зоналарга бўлиниши (КМК 2.01.01-94).

### **3-мавзу. Қурилиш иқлимий зоналарнинг тавсифи.**

Бино ва иншоотлар қурилиши бакалавр таълим йўналиши талабаларини ўқитишида қулланаладиган асосий меъерий хужжатлар. Қурилиш конструкцияларини ҳисоблашда фойдаланадиган меъёрий

хужжатлар. Конструкцияларни ҳисоблашда юклар ва таъсирларни аниқлаш қоидалари (КМК 2.01.07-96)

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси.**

Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) ва ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)-ни ишлаб чиқишида меъерий хужжатлар ўрни ва аҳамияти. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси таркибидаги асосий лойиҳа хужжатларини шакллари (ШНК 3.01.01-03).

### **2-Амалий машғулот: Ишларни бажариш лойиҳаси**

Ишларни бажариш лойиҳасини мазмуни ва таркиби. Асосий лойиҳа хужжатларини шакллари (ШНК 3.01.01-03).

### **3-Амалий машғулот: Иқтисодий меъёрлар.**

Лойиҳа смета хужжатларини тайёрлашда қулланаладиган меъерий хужжатлар. Қурилиш нархини аниқлашни умумий қоидалари (ШНК 4.01.16-04). Қурилиши тугалланган объектларни эксплуатацияга қабул қилиш (ШНК 3.01.04-04).

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-кўчма машғулот: Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси.**

### **2-кўчма машғулот: Ишларни бажариш лойиҳаси.**

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш

қобилятини ошириш, әшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, әшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

Лира дастури мажмуаси тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Конструкцияларга элементлар танлаши. Пўлат ва темирбетон конструкцияларига кесим танлаш ва уларни текшириш, шу жараён натижаси асосида устун ва тўсинларнинг ишчи чизмаларини яратиб бериши
W	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Плиталарни арматуралашда автоматик равища чизмаларни яратиб берса олмаслиги
O	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Юклама ва кучланишларни боғлиқ ҳолда аниқлаб беради.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Лира дастури мажмуаси тизимининг харид баҳоси

### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

**Кейс.** Оғир саноат лойиҳа институти муҳандислари Терmez шахридаги стадион лойиҳасини бажариш бюрмасини бажариш жараёнида ёритиши тизимининг минорасини оддий муҳандислик ҳисобини бажариш кўп вақт сарфига олиб келди ва фазовий ҳисобини бажариш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Ҳисоблаш лойиҳалашни компьютер дастури асосида амалга оширишни мақсадга мувоғиқ деб топишиди. Яъни илова ҳисоблаш талабга жавоб бермади.

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳларда).
- Компьютер дастури асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

## **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки тоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “Лира дастур мажмуаси қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган ва чекли элементлар усулига асосланган тизимлардан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай холатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**- Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### Дастурий таъминотлар

ЛИРА		STAAD		NASTRAN	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

## Хулоса:

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Доимий юк	Домий юкларга конструкцияларнинг хусусий оғирлиги, грунтнинг босими ва оғирлиги, конструкциядаги дастлабки кучланишнинг таъсири киради.	
ЛИР-АРМ	арматуралаш системаси	
Пластик деформация	Бетоннинг кўп каррали юкланиши ва юқдан бўшалиши ҳолатида ёер ҳам ҳисобга олинади. ёр – юк тўлиқ олингандан сўнг эластик қайтиш деформацияси	
Монолит бетон	Яхлит бетон.	
Мустаҳкамликка ҳисоблаш	Мустаҳкамликка ҳисоблаш. Биринчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблаш	
Енгил бетон	Енгил бетон (цементли боғловчи ва ғовак тўлдирувчилардан ташкил топган) бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи ва кўтартмайдиган конструкцияларида ишлатилиди	
Олдиндан зўриқтирилган конструкция	Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг афзалликларидан бири уни ёрилишга бўлган бардошлилигидир.	
Эластиклик модули	Арматураларнинг эластиклик хусусияти эластик модули билан характерланади ва у 0,15 дан 0,4 гача оралиқда бўлади.	
Чегаравий ҳолат	Конструкциянинг қўйилган талабларга жавоб берга олмай қолган ҳолати	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:


– тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг

ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашни автоматлаштирилган тизимлари



### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Лира дастур мажмуасида ҳисоб схемасини яратиши» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Конструкция элементларининг геометрик схемасини тузиш;					
Таянч боғланишларини киритиш;					
Модел мухитини бериш.					
Юкламаларни қўйиш;					

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**1-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси миллий меъёрлар тизими.**

Режа:

1. Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида қурилиш меъёр ва қоидалари (ҚМҚ, ШНҚ) ўрни ва аҳамияти.
2. Меъёрий хужжатларни тизимлаштириш қонун ва қоидалари.

#### **1. Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида қурилиш меъёр ва қоидалари (ҚМҚ, ШНҚ) ўрни ва аҳамияти.**

Замонавий архитектурада (асосан турар-жой ва жамоат бино ва иншоотлари) архитекторлар кўпроқ андозали элементлардан фойдаланишга харакат қиласидилар. Кўп қиррали архитектуруни турли қатламлари ва ишлаб чиқаришда янги технологияларни кундан-кунга тезқорлик билан ўзгариши жараёнда архитекторлар лойиҳани енгиллаштириш учун унификациялаш ва типизациялашга интиладилар. Шунинг учун бино ва иншоотларни лойиҳасини бажаришда ички муракқаб функционал-технологик жараёнларини, уларни табиий иқлимий шароитлари, хоналар ўлчами, ёнғин хавфсизлиги ва бошқалар таъсири остида вужудга келадиган меъёрий норма ва қоидаларни билиш вазифалари белгиланган.

Фанни ўқитишдан мақсад – келажакда талабаларга лойиҳа ташкилотларида ишлашда замонавий биноларни лойиҳалаш жараёнида энг илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда ахитектуравий лойиҳалаш масалаларини ечишда лойиҳачи архитекторларга Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва меъёрий материаллар билан ишлашга ўргатиш, ушбу мёъёрлар ёрдамида шаҳар ва қишлоқ худудларида қурилиши

мумкин бўлган бино ва иншоотларни лойиҳа қилишдаги билимларга эга бўлиши, кўникма ва малакаларни шакллантиришdir.

Фаннинг вазифаси – архитектуравий лойиҳалашда бакалаврларга Ўзбекистон Республикаси қонуний ишларини (актларини) бажариш зарурлиги, шаҳарсозлик объектларини лойиҳалаш ва турар-жой ва жамоат бинолари қурилишида уларни қўллаш ҳамда буюртмачи билан ишлаш, қурилишда иштирок этишни ўргатишидир.

Жамоат бинолари ва унинг комплекслари сунъий яратилган мухит бўлиб бир ёки бир нечта жараёнларнинг ўзаро боғлиқ бўлган инсоннинг ҳаётий фаолиятини ўтказишга мўлжаллангандир. Жамоат бино ва иншоотларнинг энг асосий омили эса, унинг ҳажмий-режалаштирилишини асосини инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида жамиятга, хизмат қилишга эришишдан иборатdir. Шунинг учун ҳам жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда турли хилдаги комплекс омилларини (факторлар) ҳисобга олиш керак бўлади булар: ижтимоий, шаҳарсозлик, табиий - иқлимий, миллий-маиший, конструктив, физик-техникавий, иқтисодий, архитектуравий ва бадиийdir. Шаҳар (яшаш) ҳудудларининг танқислиги туфайли жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёнида ахолини жойлаштирилиши бўйича лифтсиз ва кўп қаватли уйлар турар – жой биноларининг асосий турларига айланмоқда. Уларнинг кўп сонда қўлланиши яшаш ҳудудлари ва инженерлик коммуникацияларидан етарли даражада самарали фойдаланиш имкони бермоқда. Туар – жой биноларининг бундай тури Марказий Осиё вилоятларида турли – туман архитектуравий режавий, ҳажмий – образли ва конструктив ечимлари билан янада кенг кенг тарқалиб бормоқда. Улар иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, турли сонли ва демографик таркибдаги оиласаларнинг яшаси учун фазовий – режавий параметрлар бўйича республикамизнинг мураккаб иқлимли ва сейсмик районларда (7 – 9 балли) маълум муддатларда нормал санитар гигиеник ва комфорт шароитларни яратади.

Шунинг учун бўлажак меъморлардан шундай лойиҳалар талаб қилинадики, бу янги лойиҳалар бизнинг нафақат иқлим шароитимизга ва шунинг билан бизнинг минг йиллаб шаклланиб келган урф-одатимизга, маданиятимизга ва тарихимизга ҳам тўла жавоб бера олишлари керак. Курилишда тежамқорлик ва ундан фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама- қаршидир. Шунинг учун меъморнинг асосий вазифаси ушбу қарама қаршиликларни бир-бирига таъсирсиз ҳал қилмоғи лозим. Курилишни тежамқорлик билан олиб боришда қурилиш жиҳозларини ва қурилмаларини тўғри танлаш, заводда тайёрланаётган андозали конструктив қурилма ва жиҳозларидан ўринли фойдаланиш қурилишни арzonроққа туширишга ёрдам беради. Бундан ташқари бинонинг қавати ва қурилиш майдонини тўғри ҳал қилиш ҳам тежамқорлик омилларидан биридир.

Лойиҳавий ечимларни танлашда архитектура-курилиш меъёрларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш зарур, шунинг учун лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳаларнинг ичидан техник иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан тежамли бўлганларини олиш яхши натижа беради.

Мамлакатимиздаги мавжуд ва режалаштирилган бино ва иншоотлар қурилиши ҳажмига кўра, ушбу муаммони ечишга йўналтирилган моддий маблағ ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш аҳамияти ошмоқда. Бу билан лойиҳа ечимларининг иқтисодий самарадорлиги қатъий назорати зарурияти туғилади. Лойиҳаларнинг иқтисодий баҳолаш учун бир неча кўрсаткичлардан фойдаланилади.

## **1.2. Меъёрий ҳужжатларни тизимлаштириш қонун ва қоидалари.**

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишнинг “КМК 1.01.01 – 96 “Қурилишнинг меъёрий ҳужжатлар таркиби. Асосий ҳолат ” қурилиш соҳасида фаолият юритувчи меъёрий ҳужжатлар кўрсаткичи 1 декабр 1995 йил № 99-сонли буйруғи бўйича тасдиқланган.

*1. Курилиши меъёрий қоидалари тўртта асосий бўлимларга бўлинади:*

1. Ташкилий методик нормалар.
2. Лойиҳалашнинг техник нормалари
3. Курилиш ишлаб чиқаришининг технология ва ташкилий қоидалари
4. Иқтисодий нормативлар.

*2. Лойиҳалашнинг техник нормалари қутидаги қисмларга бўлинади:*

01. Лойиҳалашнинг умумий қоидалари
02. Фундаментлар асоси.
03. Курилиш конструкциялари.
04. Бино ва иншоотларнинг инженерлик жиҳозлари.
05. Транспорт иншоотлари.
06. Гидротехник, энергетик ва мелиоратив иншоотлари.
07. Шаҳарсозлик.
08. Туарар жой ва жамоат бинолари.
09. Саноат ва маъмурий майший бинолар.

10. Ер ажратиш нормалари.

Шифр		Шифр		Шифр	
1	2	1	2	1	2
KMK 1.01.01-96	5	KMK 2.04.05-97	8	KMK 2.09.10-96	10
KMK 1.01.02-96	5	KMK 2.04.06-96	8	KMK 2.09.11-97	10
KMK 1.01.03-96	5	KMK 2.04.07-99	8	KMK 2.09.12-98	10
KMK 1.01.04-98	5	KMK 2.04.08-96	8	KMK 2.09.15-97	10
KMK 1.01.05-97	5	ШНК 2.04.09-07	8	СН 181-70	10
KMK 1.02.07-97	5	KMK 2.04.10-97	8	СНиП 2.11.04--85	10
СН 484 - 76	5	KMK 2.04.11-97	8	KMK 2.09.19-97	10
ШНК 1.03.01-03	5	KMK 2.04.12-97	8	СНиП II-94-80	10

ШИHK 1.03.02-04	5	KMK 2.04.13-99 KMK 2.04.14-97 KMK 2.04.16-96 KMK 2.04.17-98 KMK 2.04.18-97 KMK 2.04.20-98 CH 496-77 KMK 2.05.01-96 KMK 2.05.02-95  KMK 2.05.03-97 KMK 2.05.04-97 KMK 2.05.05-96 KMK 2.05.06-97 СниП 2.05.07-91 KMK 2.05.08-97 KMK 2.05.09-97 KMK 2.05.10-97 KMK 2.05.11-95 KMK 2.05.12-97 KMK 2.06.01.-97 KMK 2.06.02-98 KMK 2.06.03-97 KMK 2.06.04-97 KMK 2.06.05-98 KMK 2.06.06.-98 KMK 2.06.07-98 KMK 2.06.08-97	8	KMK 2.10.01-97 KMK 2.10.02-97 KMK 2.10.03-97 KMK 2.10.04-97 KMK 2.10.05-97 KMK 2.10.06-97 KMK 2.10.07-97 KMK 2.10.08-97 KMK 2.10.09-97 KMK 2.10.10-97 KMK 2.10.11-97 ШИHK 3.01.01-03 KMK 3.01.02-00 KMK 3.01.03-97 KMK 3.01.04-04 KMK 3.01.05-99 KMK 3.01.07-98 KMK 3.01.08-99 KMK 3.01.09-97 СниП 3.08.01-85 KMK 3.02.01-97 СниП 3.02.03-84 KMK 3.03.01-98 KMK 3.03.02-98 СниП III-24-75 KMK 3.03.04-98 KMK 3.03.06-99 KMK 3.03.07-98	11
KMK 1.03.03-97	5		8		
KMK 1.03.04-97	5		8		
KMK 1.03.05-97	5		8		
KMK 1.03.07-96	5		8		
KMK 1.03.09-96	5		8		
ШИHK 1.03.10-06	5		8		
ШИHK 1.03.11-07	5		8		
ШИHK 1.04.02-05	6		8		
ШИHK 1.04.03-05	6				
KMK 1.04.04-99	6		9		
ШИHK 1.04.05-06	6		9		
CH 283-64	6		9		
СниП 1.04.03-85	6		9		
CH 531 - 80	6		9		
KMK 2.01.01-94	6		9		
ШИHK 2.01.02-04	6		9		
KMK 2.01.03-96	6		9		
KMK 2.01.04-97	6		9		
KMK 2.01.05-98	6		9		
KMK 2.01.06-97	6		9		
KMK 2.01.07-97	6		9		
KMK 2.01.08-96	6		9		
KMK 2.01.09-97	6		9		
KMK 2.01.11-97	6		9		
KMK 2.01.12-96	6		9		
KMK 2.01.14-98	6		9		
ШИHK 2.01.15-05	6		9		

KMK 2.01.16-97	6	ШИHK 2.06.11-04 СниП II-58-75 CH 522-79 СниП 2.06.14-85 СниП 2.06.15-85 ШИHK2.07.01-03 KMK2.07.02-96 KMK2.07.03-96 ШИHK 2.07.04-06 CH 551-82 ШИHK 2.08.01-05 KMK 2.08.02-96 KMK 2.08.03-98 ШИHK 2.08.04-04 KMK 2.08.05-97 KMK 2.08.06-97 СниП II-89-80 KMK 2.09.01-96 СниП 2.09.02-85* KMK 2.09.03-02 KMK 2.09.04-98 KMK 2.09.06-98 KMK 2.09.07-96 KMK 2.09.08-97 KMK 2.09.09-97	9	КМК 3.03.08-98 СНиП 3.04.01-87 КМК 3.04.02-97 КМК 3.05.01-97 КМК 3.05.02-96 КМК 3.05.03-00 КМК 3.05.04-97 КМК 3.05.05-98 КМК 3.05.06-97 КМК 3.05.07-97 КМК 3.05.08-97 КМК 3.06.01-96 КМК 3.06.02-97 КМК 3.06.03-97 КМК 3.06.04-97 КМК 3.06.05-98 КМК 3.06.06-97 КМК 3.06.07-96 КМК 3.06.08-97 КМК 3.06.09-98 КМК 3.07.01-96 КМК 3.07.02-96 КМК 3.07.03-97 ШИHK 4.01.01-04 ШИHK 4.01.16-04	12
KMK 2.01.17-95	7		9		
KMK 2.01.18-00	7		9		
KMK 2.02.01-98	7		9		
KMK 2.02.02-98	7		9		
KMK 2.02.03-98	7		9		
KMK 2.02.05-98	7		10		
KMK 2.03.01-97	7		10		
KMK 2.03.02-97	7		10		
KMK 2.03.03-96	7		10		
KMK 2.03.04-98	7		10		
KMK 2.03.05-97	7		10		
KMK 2.03.06-97	7		10		
KMK 2.03.07-98	7		10		
KMK 2.03.08-98	7		10		
KMK 2.03.09-98	7		10		
KMK 2.03.10-95	7		10		
KMK 2.03.11-96	7		10		
KMK 2.03.13-97	7		10		
CH 497-77	7		10		
CH 428-74	7		10		
KMK 2.04.01-98	8		10		
KMK 2.04.02-97	8		10		
KMK 2.04.03-97	8		10		
KMK 2.04.04-97	8		10		

1	2	1	2
ШИК 4.02.00-04	13	ШИК 4.09-06	15
ШИК 4.02.01-04	13	ШИК 4.03.01-04	15
ШИК 4.02.02-04	13	ШИК 4.13.02-06	15
ШИК 4.02.03-04	13	ШИК 4.13.04-06	15
ШИК 4.02.04-04	13	ШИК 4.13.05-06	15
ШИК 4.02.05-04	13	ШИК 4.13.06-06	15
ШИК 4.02.06-04	13	ШИК 4.13.07-06	15
ШИК 4.02.07-05	13	ШИК 4.13.08-06	15
ШИК 4.02.08-04	13	ШИК 4.13.09-06	15
ШИК 4.02.09-04	13	ШИК 4.13.21-06	16
ШИК 4.02.10-04	13	ШИК 4.13.22-06	16
ШИК 4.02.11-04	13	ШИК 4.13.23-06	16
ШИК 4.02.12-04	13	ШИК 4.13.24-06	16
ШИК 4.02.13-04	13	ШИК 4.13.31-06	16
ШИК 4.02.14-04	13	ШИК 4.13.32-06	16
ШИК 4.02.15-04	13	ШИК 4.13.41-06	16
ШИК 4.02.16-06	13	ШИК 4.13.51-05	16
ШИК 4.02.17-06	13	ШИК 4.13.52-05	16
ШИК 4.02.18-06	13	ШИК 4.13.53-05	16
ШИК 4.02.19-06	13	ШИК 4.13.55-05	16
ШИК 4.02.20-06	13	ШИК 4.13.61-06	16
ШИК 4.02.21-05	13	ШИК 4.13.71-06	16
ШИК 4.02.22-05	13	ШИК 4.13.72-06	16
ШИК 4.02.23-05	13	ШИК 4.13.81-05	16
ШИК 4.02.24-04	14	ШИК 4.14.01-06	16

ШИК 4.02.25-07	14		ШИК 4. 17.00-05	16
ШИК 4.02.26-07	14		ШИК 4. 17.01-06	16
ШИК 4.02.27-05	14		ШИК 4. 17.02-06	16
ШИК 4.02.28-04	14		ШИК 4. 17.03-07	16
ШИК 4.02.29-04	14		ШИК 4. 17.04-06	17
ШИК 4.02.30-04	14		ШИК 4. 17.05-06	17
ШИК 4.02.31-04	14		ШИК 4. 17.06-07	17
ШИК 4.02.32-07	14		ШИК 4. 17.07-06	17
ШИК 4.02.33-04	14		ШИК 4. 17.08-07	17
ШИК 4.02.34-05	14		ШИК 4. 17.09-06	17
ШИК 4.02.35-06	14		ШИК 4. 17.10-07	17
ШИК 4.02.36-04	14		ШИК 4. 17.11-07	17
ШИК 4.02.37-05	14		ШИК 4. 17.12-04	17
ШИК 4.02.38-06	14		КМК 4. 17.13-96	17
ШИК 4.02.39-06	14		ШИК 4. 17.14-06	17
КМК 4.02.40-96	14		ШИК 4. 17.15-06	17
ШИК 4.02.41-06	14		ШИК 4. 17.16-06	17
ШИК 4.02.42-04	14		ШИК 4. 17.17-06	17
ШИК 4.02.45-04	14		ШИК 4. 17.18-06	17
ШИК 4.02.46-04	14		ШИК 4. 17.19-06	17
ШИК 4.02.47-04	14		ШИК 4. 17.20-06	17
ШИК 4.02.51-06	14		ШИК 4. 17.21-06	17
ШИК 4.02.52-05	14		ШИК 4. 17.22-06	17
ШИК 4.02.53-06	14		ШИК 4. 17.23-06	17

ШИК 4.02.54-06	14	ШИК 4. 17.24-06 КМК 4. 17.25-96 ШИК 4. 17.26-06 ШИК 4. 17.27-06 ШИК 4. 17.28-06 ШИК 4. 17.29-06 ШИК 4. 17.30-06 ШИК 4. 17.31-06 ШИК 4. 17.32-06 ШИК 4. 17.33-06 ШИК 4. 17.34-06 ШИК 4. 17.35-06 ШИК 4. 17.36-06 ШИК 4.17.37-06 ШИК 4.17.38-07 ШИК 4.17.39-07	17
ШИК 4.02.55-05	14		17
ШИК 4.02.56-06	14		17
ШИК 4.02.57-06	14		17
ШИК 4.02.58-06	14		17
ШИК 4.02.59-06	14		17
ШИК 4.02.60-06	14		17
ШИК 4.02.61-06	15		17
ШИК 4.02.62-06	15		17
ШИК 4.02.63-06	15		17
ШИК 4.02.64-06	15		18
ШИК 4.02.65-07	15		18
ШИК 4.02.66-07	15		18
ШИК 4.02.67-06	15		18
ШИК 4.02.68-06	15		18
ШИК 4.02.69-06	15		18
ШИК 4.02.70-05	15		
ШИК 4.07-06	15		18

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.КМК 1.01.01 – 96. “Курилишнинг меъёрий ҳужжатлар таркиби. Асосий ҳолат ”

## **2-Мавзу: Қурилишда меъёрий хужжатлар тизими.**

Режа:

2.1. Асосий қоидалари (КМК1.01.01-96).

2.2. Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби (КМК 1.01.02-96). Ўзбекистон республикаси худудини қурилиш иқлимий зоналарга бўлиниши (КМК 2.01.01-94).

### **2.1. Асосий қоидалари (КМК1.01.01-96).**

Қурилиш учун майдонча (трасса) қуидагиларга мувофиқ ҳолда ушбу мақсадлар учун бажарилган кўп қамровли муҳандислик изланувлари маълумотлари асосида танланади:

Шаҳарсозлик кодекси, ер, сув, ўрмон ва бошқа қонунчиликларга;

Худудий режалаштириш лойиҳалари, шаҳар, қўргон, қишлоқ аҳоли жойлари бош режалари ва саноат соҳаларини жойлаштириш ва ривожлантириш чизмаларига, тегишли коммуникациялар ва темир йул ва автомобил йуллари тармоқларини, нефт, газ ўтказиш қувурлари, энергия тизимлари, ва алоқа тармоқларини ривожлантириш чизмаларига;

Нодир объектлар қурилиши учун майдонча (трасса) танлашни ҳам муҳандислик изланувлари маълумотлари асосида қурилиш худудининг геологик-таркибий ва тектоник хусусиятларини инобатга олган тарзда амалга ошириш зарур.

Бино, корхона ва иншоот қурилиши учун майдонча (трасса), ер пайкалининг зарурий ўлчамлари, ён-атрофдаги табиий муҳитни муҳофазалаш ва униб-усишини таъминлашга, ёнғиндан-портлашдан сақланишга қаратилган мўлжалдаги тадбирлар тегишли меъёрий хужжатлар талабларига жавоб бериши лозим.

Қурилиш учун майдонча (трасса) танлаш, барча зарур маълумотларни тайёрлаш, бу йўсиндаги қарор учун зарур бўлган барча маъқуллатишларнинг тўлалиги, бунда кўзланган қарорлар учун жавобгарлик лойиҳа буюртмачисининг зиммасидадир.

Буюртмачи, лойиҳачи ташкилот - бош лойиҳачи, зарур ҳолларда эса, ихтинослашган лойиҳа ва изланув ташкилотлари иштирокида қўйидагиларни амалга оширади:

Манфаатдор ташкилотлардан лойиҳалаштирилаётган обьектнинг таъминот манбалари, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларига улашнинг аввалги шартларини, экологик шартлар *ва* талабларни олишни;

муҳандислик текширувларини, зарурат ҳолларда эса, муҳандислик изланувларини ўтказишини;

ТИА маълумотларига асосланган ҳолда майдонлар (трассалар) танланганда ҳисобга олинмаган қўшимча материаллар ва асосланган ҳисоблар ишлаб чикишини;

объект жойлашуви вариантларини техник-иктисодий солишишиш ва энг муносибини танлашни.

Экологик шартлар ва талабларни олиш учун дастлабки маълумотлар «Атроф муҳитга ўтказиладиган таъсир тўғрисидаги баёнот» (МУТБ) лойиҳасида расмийлаштирилади.

Буюртмачи билан манфаатдор ташкилотлар, давлат назорати идоралари ўрталарида келишмовчиликлар юз берганда, ёки улар амалдаги конунчилик ҳолларига зид равишдаги қўшимча талаблар қўйганларида, мунозара бўйича қарор белгиланган тартибда қабул қилинади.

Лойиҳа буюртмачиси бош лойиҳачи иштирокида қўйидаги йўналишлар бўйича олинган хulosалар асосида мўлжалдаги ечимларни мувофиқ идора ва ташкилотларга маъқуллатади:

-объектда ёнгиндан сақланиш хизматини ташкил қилиш бўйича чоратадбирлар;

-қурилиш учун майдончанинг (трассанинг) жойлашуви ва ўлчамлари; маҳаллий меҳнат ва моддий заҳиралардан, шу жумладан асосий маҳаллий қурилиш материаллари билан конструкциялардан фойдаланиш имкониятларини;

-ишлаб чикариш ва хўжалик кооперацияси бўйича;

-янги майдонча орти муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари шоҳобчаларини ётқизиш бўйича;

-объектларни мавжуд муҳандислик тармоқлари, электр таъминоти, алоқа, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти манбаларига ва оқова сув ташланадиган жойларга уланиш жойлари бўйича;

-атроф муҳит муҳофазасига доир тадбирлар бўйича;

-зарур ҳолларда қўйидагилар бўйича ҳам келишиб олинади;

-тарихий ва маданий ёдгорликларнинг сақланишини таъминловчи тадбирлар бўйича:

-лойиҳалаштирилаётган объект темир йўлларини умумий темир йул тармоқларига уланадиган жойлари ва шартлари, лойиҳалаштирилаётган объектга дарё иншоатларида хизмат кўрсатиш шартлари бўйича;

-қурилиш майдончасини соҳилга тулашуви бўйича;

-гидротехник иншоатлар қурилиши мўлжалланган ҳудудда сув сатҳи кўтарилиши ва босиши натижасида юзага келадиган шароитлар бўйича;

-қурилиш майдончаси маҳсус иншоатлар ҳудудида жойлашган такдирда, ҳаво объектларини униши хавфсизлигини таъминловчи шартлар бўйича;

-қурилиш майдончаси маҳсус иншоатлар, алоқа йўналиши, электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) ва ҳоказолар ҳудудларида жойлаштирилганида бино ва иншоатларнинг чекли баландлиги бўйича;

-фойдали қазилмалар олинадиган майдонларда қурилишни амалга ошириш шартлари ва бошқа алоҳида шартлар бўйича.

Объект қурилиши учун майдонча (трасса) танлашда (мўлжалдаги кенгайтирилиши, янгиланиши ва техник қайта жиҳозланиши янги ер майдонларини ўзлаштириш билан боғлик бўлмаган амалдаги корхона, бино ва иншоотлар бундан мустасно) буюртмачи томонидан қуидагиларнинг масъул вакилларидан иборат комиссия тузилади:

- лойиха буюртмачисининг;
- лойихачи ташкилот - бош лойихачининг;
- ёрдамчи лойихачи ташкилотларнинг (зарур бўлганда);
- йирик ва мураккаб объектлар қурилиши учун майдонча (трасса) танланганида -изланув ташкилотининг;
- маҳаллий-ҳокимиятлар ва улар ажратган манфаатдор ташкилотлар вакилларидан;
- пудратчи ташкилотларнинг ёки уларнинг топшириғига кўра бош пудратчи. қурилиш ташкилотларининг;
- давлат назорати маҳаллий ва Республика идораларининг;

Зарур ҳолларда комиссия таркибига бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари ҳам кириши мумкин.

Комиссия қурилиш учун майдонча (трасса) танлаш актини тузади, у барча аъзолар томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланади.

Қурилиш учун майдонча (трасса) танлаш тўғрисидаги акт корхона, бино ва иншоотларни таъминот, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларига улар бўйича мўлжалланган ечимлар ва шартларнинг келишилганини тасдиқловчи хужжатdir.

Таъкидланган актда кўрсатилган келишувларнинг амал қилиш муддати корхона, бино ва иншоотларни лойихалаш ва қуришнинг меъёрий муддатларидан кам бўлмаслиги шарт. Қолаверса келишилган шартлар, кўрсатилган муддат мобайнида ўзгармас барқарор бўлиши лозим.

## **2. Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби (КМК 1.01.02-96). Ўзбекистон республикаси ҳудудини қурилиш иқлимий зоналарга бўлиниши (КМК 2.01.01-94).**

Мазкур меъёрлар ва қоидалар янги қурилишни лойиҳалаштиришда, шунингдек, амалдаги корхоналарни, бино ва иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашдаги муҳандислик изланишларига тарқатилади ҳамда лойиҳалаштириш босқичларига мувофиқ муҳандислик изланишларини ишлаш ва ташкил этишга бўлган асосий талабларни белгилаб беради.

*Умумий қоидалар.*

1.1 Қурилиш учун муҳандислик изланишларини Ўзбекистон Республикаси қонунида белгилаб берилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида тасдиқланган ёки келишилган давлат стандартлари ва меъёрий ҳужжатларга биноан бажариш керак бўлади.

1.2 Муҳандислик изланишлари туман, участканинг, лойиҳалаштирилаётган қурилиш трассаларининг табиий шароитларини маҳаллий қурилиш материаллари ва сув таъминоти манбаларини ҳамда обьектларини лойиҳалаштириш ва қуришда иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳамда техникавий асосланган қарорларни табиий муҳитидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш, шунингдек, табиий муҳитнинг корхоналар, бино ва иншоотларнинг қурилиши ва фойдаланиш таъсири остида ўзгариши эҳтимоли ҳақида етарли маълумот олиш учун ҳар томонлама чуқур ўрганиши зарур.

Қурилиш ҳудудларида ва обьектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш обьектларида қурилиш даврида ҳамда корхоналар, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш давридаги табиий шароитларнинг ўзгариши белгиланган бўлиши керак (худудларни ва

изланишлар вақтигача кўзга ташланган табиий шароитларни қиёслаш асосида).

1.3 Муҳандислик изланишларини лойиҳалаштириш, табиий шароитлар ва изланиш қилиш учун лойиҳалаштирилаётган объектлар табиати учун белгиланган тартибига мувофиқ бажариш зарур:

Лойиҳа олди ҳужжатлари учун (техник-иктисодий асосланган (ТИА) ва янги қурилиш, амалдаги мавжуд корхоналарни, бино ва иншоотларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник-иктисодий қабул қилиш, шаҳарлар, аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқ жойларининг бош режалари: шаҳарларнинг саноат зоналарини (туманлар) режалаштириш лойиҳалари, ипидан-игнасигача режалаш лойиҳалари, саноат тармоқларининг бош режалари), корхоналар, бино ва иншоотларнинг лойиҳалари (хомаки лойиҳалари).

1.4 Барча лойиҳа қарорларини ишлаб чиқиши учун уларнинг майдалигидан деталлигидан қатъий назар, уларнинг муҳандислик изланишларида Узгеокадастр, Ўзбекистон Республикаси давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республика Бошгидромети материаллари, шунингдек, ўтган йилларда уларнинг қайси идорага бўйсимишидан қатъий назар, изланиш ва лойиҳа-текширув ташкилотлари томонидан амалга оширилган муҳандислик изланишларида албатта фойдаланган ҳолда бажарилиши зарур.

1.5 Қурилиш учун муҳандислик изланишларини белгиланган тартибда шундай хуқуқ берилган изланиш қилиш, лойиҳа-изланиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиши керак.

1.6 Муҳандислик изланишларига қўйидагилар кирмайди: қурилишда геодезик ишлар (курилиш учун геодезик бўлиш негизини яратиш, геодезик жихатдан бажариладиган суратга олишлар ва бошқалар); бино ва иншоотларнинг заминлари деформацияларини кузатиш; бинолар фасадлари ва интеръерларини ер усти фотограмметрик суратга олиш; қурилиш жараёнида геологик ишлар ва изланишлар (муҳандислик-геологик

хужжатлар, грунт иншоотларини кўтариш ва заминни тайёрлаш ва бошқаларнинг сифатини геотехникавий назорат қилиш; қурилиш жараёнида қозиқларни синаш; маҳсус гидрогоеологик изланишлар (нам ўтказиш жараёнларини ўрганиш, дренаж синаш майдонларини синаш ва бошқалар); сувдан фойдаланиш қудукларини пармалаш, қурилиш майдонларини (трассаларни) танлашда ва ер майдонларини ажратишда келишиш ва бошқалар.

Бу ишларни изланиш ташкилотлари, лойиха-изланиш ҳамда лойиха ташкилотлари, уларнинг бўлимлари томонидан буюртмачи билан алоҳида шартнома асосида (битим) бажарилади.

Муҳандислик-геологик ишлар ва изланишлар объектларни қуриш ва фойдаланиш даврида йирик объектларни кўтаришда ҳамда мураккаб муҳандислик-геологик шароитларда лойиха хужжатларини тузатиш мақсадида ва бардошлилигини ҳамда бино, иншоотларнинг фойдаланишга яроқлилигини таъминлаш, шунингдек, белгиланган назорат-ўлчов аппаратурасидан фойдаланиш билан бирга иншоотлар ишини натуравий кузатишда ҳамда қурилаётган бино ва иншоотлар пойдеворларининг котлован-хандақларидаги асосий замини грунтларини текширувда изланиш материалларини аниқлаш, деталлаштириш ва назорат қилиш учун амалга ошириш керак. Бу ишларнинг таркиби ва ҳажми буюртмачи билан келишилган дастурга биноан белгиланади.

1.7 Муҳандислик изланишларнинг таркиби ва ҳажми табиий шароитларга, лойиҳалаштириш босқичи ҳамда лойиҳалаштирилаётган объект хоссаларига, муҳандислик изланишлари бўйича республика меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ белгиланиши зарур.

Курилишнинг айрим турлари (гидротехникавий, энергетик, мелиоратив, нақлиёт ва бошқалар) учун изланишлар таркиби ва ҳажми муассасавий қурилиш меъёrlарига мувофиқ аниқланади.

1.8 Ўлчов бирлиги ва аниқлигини метрологик таъминлаш давлат стандартлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

1.9 Мұхандислик изланишларида мәжнатни мухофаза қилиш бүйича тегишли меъерий хужжатлар ва стандартлари меъёрлари, қоидалари ва талабларига албатта риоя қилиш зарур.

1.10 Мұхандислик изланишларини амалга ошириш ташкилотлари ва уларға масъул шахслар зиммасига мұхандислик изланишлари материалларининг тұлалығи ва ишончлилиги учун қонун томонидан үрнатылған жавобгарлық юкландади.

1.11 Объектда мұхандислик изланишларини бажарыш учун техникавий топшириқ, изланишлар дастури, смета-шартнома хужжатлари, изланиш ишларини үтказишга рухсатнома тузилған ва суратийлаштирилған бўлиши, зарурият туғилганда эса, ишларни қайд қилиш ҳам зарур.

1.12 Техникавий топшириқ зарурий ҳолларда изланиш ташкилотларини жалб этган ҳолда объектда изланиш ишларининг бутун мажмуасини ишлаб чиқиши буюртмачи томонидан тузилиши зарур.

Иzlaniш ташкилотларининг техникавий топширигини, қоида бўйича, лойиҳа ташкилоти -манфаатдор субпудратчи ташкилотлар билан келишилған бош лойиҳаловчи бериши керак.

Ишга, 1.6-бандда кўрсатилгани каби айрим цехлар (участкалар)ни реконструкция қилиш ва кенгайтиришни изланиш қилиш ҳамда хўжалик усули билан амалга ошириладиган қурилишни лойиҳалаштириш учун изланиш қилишга техникавий топшириқ амалдаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан берилишига рухсат этилади.

Техникавий топшириқ, уни бераётган ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланиши зарур.

Техникавий топшириқсиз ёки мазкур техникавий топшириқ изланишлар ва лойиҳалаштириш меъерий хужжатларига мувофиқ келмаган ҳолда мұхандислик изланишларини амалга оширишга рухсат берilmайди.

1.13 Мұхандислик изланишларига бўлган техникавий топшириқ ўз ичига изланишларни ташкил этиш ва ишлаб чиқиши, дастур ва ҳисбот

материаларини тузиш учун зарур ва етарли бўлган маълумотлар ва рақамларни ўз ичига олмоғи зарур:

муҳандислик изланишларини ишлаб чиқиш учун асос;

объект номи;

лойиҳалаш ташкилоти - бош лойиҳаловчи;

қурилиш табиати (янги қурилиш, реконструкция қилиш - тиклаш, кенгайтириш, техникавий қайта қуроллантириш);

изланишлар турлари;

жойлашган ўрни ва майдонча, участка, трассалар чегаралари ҳақида ёки уларнинг рақобатга бардошли варианtlари ҳақидаги рақамлар;

лойиҳалаштириш ва қурилишнинг босқичлари, муҳлатлари ҳақидаги маълумотлар;

илгари муҳандислик изланишларида ва текширувларида бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

лойиҳалаштирилаётган ташкилотга “Конструкцияларни лойиҳалаштиришда бино ва иншоотлар жавобгарлик даражасини ҳисобга олиш қоидалари”га мувоғик бино ва иншоотлар жавобгарлиги тоифасига таърифи;

лойиҳалаштирилаётган объектларнинг табиий муҳитга таъсири, табиатдан рационал фойдаланиш ҳақида ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, худудлар ва иншоотларни муҳандислик ҳимояси бўйича тадбирлар ҳақидаги маълумотлар;

изланишларда таркиби, аниқлиги, ишончлилиги, тўғрилигига ва зарур рақамларни аниқлаш билан таъминлашга бўлган талаблар;

буортмачига ҳисбот материаларини кўрсатиш тартиби, таркиби, муҳлатига бўлган талаблар;

муҳандислик изланишларининг айрим турларини ишлаб чиқиш бўйича қўшимча талаблар ва маълумотлар;

буортмачи масъул вакилининг исми шарифи ва телефон рақами.

Техникавий топшириқ матнига, изланиш ишларининг таркиби ва ҳажман зарур тўғри, асосланган техникавий ҳужжатларни қўшиб қўйиш керак бўлади: топографик режалар ва хариталар, бош режалар, майдончалар, изланиш трассалари, мавжуд ҳамда лойиҳалаштирилаётган бино ва иншиотлар, муҳандислик коммуникациялари контурларининг жойлашиши, муҳандислик коммуникациялари чегараларини кўрсатиш схемалари, барча рақобатга бардошли майдончалар (трассалар) варианtlар ёки қурилиш майдончасини (трас-салари) танлашда акт нусхаси жойлашиш ўрни олдиндан келишилганлиги ҳақида ҳокимият қарори нусхаси.

Техникавий топшириққа изланиш ишлари таркиби ва ҳажми, усули ҳамда уларнинг бажарилиш технологиясини белгилашга рухсат этилмайди.

Буюртмачи техникавий топшириқни беришда изланиш ташкилотига унда олдиндан бўлган, лойиҳалаштирилаётган қурилиш майдончасида (участкаси, трассасида) ташкилотида илгари бажарилган муҳандислик изланишлари материаллари ва туманнинг табиий шароитлари ҳақидаги бошқа материаллардан вақтинчалик фойдаланиш учун бериши зарур.

Зарурият туғилган ҳолларда, буюртмачининг техникавий топшириғида сув билан таъминлаш манбаларини ер ости сувлари, маҳаллий қурилиш материаллари негизида ёки мавжуд ресурслар ҳақида тегишли маълумотлар йиғиши асосида изланиш қилишни назарда тутиши зарур.

1.14 Буюртмачи техникавий топшириқда баён этилган маълумотлар ва изланишларни ишлаб чиқишига ҳамда ҳисобот материалларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўз вақтида техникавий топшириққа унинг ажralmas қисмига айланган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни кўрсатишга бўлган талабларнинг тўлалиги ва тўғрилиги масъулиятини зиммасига олади.

Иzlаниш ташкилотининг техник топшириққа ўз вақтида ўзгартиришлар киритмаганлиги ёки уни рад этмаганлиги сабабли изланиш ишлари, материалларидан лойиҳалаштириш пайтида фойдаланиб бўлмайди.

1.15 Ўтган йиллардаги мұхандислик изланишларини ва туман, майдон, участка, трассалар табиий шароитлари ҳақидаги бошқа маълумотлар йиғиши ҳокимиятларда, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бошгидромети, Ўзгеокадастр фондларида, ҳудудий изланиш, лойиҳа-изланиш ва лойиҳа ташкилотларида, турли вазирликлар ва идораларнинг амалдаги корхоналари ҳамда бошқа муассасаларида амалга ошириш керак бўлади.

Иzlaniшlar дастурини тузишда албатта тадқиқ қилинган туманинг табиий шароитлари ҳақидаги ўрганилган мақолалар ҳамда қўлланма маълумотлардан фойдаланиш зарур.

1.16 Ўтган йилларда мұхандислик изланишларининг йиғилган материалларидан хабардор бўлиш ва таҳлил қилиш натижасида келгусида мұхандислик изланишлари дастурини тузиш учун улардан фойдаланиш имкониятлари тайинланган бўлиши зарур.

Зарурият туғилганда, табиий шароит ҳақида қўшимча маълумот йиғиши мақсади бўлганлиги учун туман, участка ва ишлар трассаларида дала изланишини олиб бориш керак.

1.17 Мұхандислик изланиш-лари дастури изланиш ташкилоти томонидан (бўлинмаси) буюртмачи техникавий топшириғи асосида меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан ҳамда туман, майдон, участка, изланиш трассаларининг табиий шароитлари ҳақида илгари бажарилган мұхандислик изланишлари ва бошқа маълумотларни, шунингдек, агарда ўтказилган бўлса, туманинг дала изланиши натижаларини ҳисобга олган ҳолда улардан максимал фойдаланган ҳолда тузилиши зарур.

Мұхандислик изланиши дастури изланишлар ҳамда ҳисобот материалларининг тўлалиги ва тўғрилигини таъминловчи вазифалари, таркиби, ҳажми, услуби-методикаси, технологиясини белгилаб бериши, шу билан бирга ишларни рационал ташкил этиш ҳамда изланишларнинг белгиланган муддатларда тугатишни назарда тутиши керак.

Зарурият түгилганды, изланишлар дастурига моддий ва меңнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлар ҳисоби илова қилинади.

1.6-бандда назарда тутилган оддий табиий шароитларда жавобгарлиги I - III тоифалардаги айрим бино ва иншоотлар қурилиши, ишларни бажариш учун изланишлар чоғи дастур ўрнида изланишларни унинг буюртмачи билан келишмасдан ишлаб чиқишига қисқача буйруқ тузишга рухсат этилади.

1.18 Мұхандислик изланишлари дастури, унинг техникавий топширикқа, таркиби, навбати, ҳисобот материаллари ва моддий таъминлашнинг умумий ҳажмини күрсатиши муддатларига тегишли қисмини буюртмачи билан келишиш керак бўлади.

Йирик ва масъул иншоотлар учун мұхандислик изланишлари дастури уни буюртмачига белгиланган муддатларда топширгунча қадар асосий изланиш ташкилоти билан меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш ҳамда ўтган йиллар изланишлари материалларидан тўла фойдаланиш қисмида келишилади.

*1.19 Мұхандислик изланишлари дастури құйидагиларни ўз ичига олиши керак:*

объектнинг номи ва жойлашган ўрни изланишлар майдони, участкаси, трассаларининг маъмурий тегишлилиги күрсатилиши;

лойиҳалаштирилаётган бино ва иншоотлар таърифи;

изланишлар мақсадлари ва вазифалари;

илгари бажарилган изланишлар ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар;

табиий шароитларни ўрганишга берилган баҳо ва таъриф;

изланишларни ташкил этиш ва ишлаб чиқишига таъсир қилувчи туманнинг табиий шароитлари ҳақида маълумотлар;

изланишлар ўтказиш майдонлари чегараларига ўзгартириш киритилишини асослаб бериш (табиий мұхит билан лойиҳалаштирилаётган

объектларнинг муҳандислик изланишлари натижалари ҳақидаги техникавий ҳисобот (якун) асосида тузиш зарур.

1.22 Муҳандислик изланишлари ҳокимиятларнинг қурилиш ва архитектура ишлари бўйича бўлимлари берадиган рухсатномалари бўлган тақдирда бажариш керак бўлади.

Иzlaniшни iшlab чиқаришга рухсатнома, қоида бўйича, буюртмачи томонидан шартномани суратийлаштириш ва смета ва izlaniшлар дастурига келишиш чоғида ёки уни топширувчи, izlaniш олиб борувчи ташкилот томонидан (унинг розилиги билан) тегишли ҳаражатларни қўшимча равишда тўлаш билан суратийлаштирилиши зарур.

Аэрофотосуратга олиш ишларини бажариш, давлат геодезик тармоғининг тараққиёти, топографик суратга олишни iшlab чиқиш ҳамда топографик режаларни (айни ҳозирги ўзгаришларни суратга олиш) 1км<sup>2</sup> майдонда янгилаш билан боғлик муҳандислик-геодезик izlaniшларда, шунингдек, узунлиги 25 км дан ортиқ линия иншоотларида изlaniшларда албатта Ўзгеокадастр Давлат геодезик назорат инспекцияси (Ўзгеоназорат) нинг рухсатномаси бўлиши зарур.

1.23 Муҳандислик-геологик ва муҳандислик - гидрометеорологик izlaniшларни iшlab чиқиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош гидрометфондларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

1.24 Izlaniшни бажарувчи ташкилот мавсумийлик ва (ёки) iшларни ўтказиш вақти, iшларни бажариш жойи, корхоналар иш тартибининг бузилиш эҳтимоллари ҳамда муҳандислик коммуникациялари эгалари ердан фойдаланувчилар, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солиш идоралари билан, шунингдек, амалдаги бирлашмалар, корхоналар, колхозлар, совхозлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳавфсиз иш шароитларини таъминлаш бўйича тадбирларни келишиб олиши зарур.

Агарда манфаатдор ташкилот билан келишиш чоғида изланишлар таркиби ва муддатини ўзгартиришга зарурият туғилса, унда дастурга (буйруққа) ҳамда смета-шартнома хужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритиш ва улар ҳақида буюртмачи билан келишиш лозим.

1.25 Мұхандислик изланишлари ердан фойдаланувчидан ер майдонини муоламадан чиқармаса ҳам ишлаб чиқлади.

Мұхандислик изланишларини бажарувчи ташкилот геодезик пункт белгилаш (ўрнатиш), тоғ ишловларини кавлаб ўтиш, ҳаво, сув, грунт намуналарини олиш, тайёрлов ва биргалиқда олиб борадиган ишларни (майдонларни тозалаш ва режалаш, визирлар ўтқазиши, вақтингчалик йўллар, ўтиш мосламалари, сувўтказгичлар ва бошқалар), изланишлар учун зарур бажариш ҳуқуқига эгадир.

Иzlaniшларни бажариш учун ўрмон кесишига буюртмачи томонидан изланишлар бошлангунча қадар белгиланган тартибдаги олинадиган ўрмон кесиши билети бўлсагина рухсат этилади.

1.26 Грунт қаватининг бузилиши билан боғлик изланишларни ишлаб чиқишида ер бузилишидаги грунт ҳосилдорлигига оид қаватини сидириб олиш, сақлаш ва ишлар тугагач, ерга яна қўшиш керак, шунингдек, ҳавони, сувни ва грунтнинг бузилишига йўл қўймаслик керак.

1.27 Изланишлар ўтқазиши даврида ишларнинг натижаларига қараб, лойиха ташкилот ҳамда ташкилотларнинг бўлимлари, изланиш ташкилотлари дастурга (буйруққа) изланишнинг иш сифатини оширишига ҳамда муддатини қисқартиришга йўналтирилган зарур ўзгартиришлар ва тўлдиришларни киритиб бориши зарур.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. КМК 1.02.07-97. “Қурилиш учун мұхандислик изланишлар”

### **3-мавзу. Қурилиш иқлимий зоналарнинг тавсифи.**

Режа:

3.1. Бино ва иншоотлар қурилиши бакалавр таълим йўналиши талабаларини ўқитишида қулланаладиган асосий меъерий хужжатлар.

3.2. Қурилиш конструкцияларини ҳисоблашда фойдаланадиган меъёрий хужжатлар.

3.3. Конструкцияларни ҳисоблашда юклар ва таъсирларни аниқлаш қоидалари (КМК 2.01.07-96)

**3.1. Бино ва иншоотлар қурилиши бакалавр таълим йўналиши талабаларини ўқитишида қулланаладиган асосий меъерий хужжатлар.**

*Объектларни қуриш баҳоси (КМК 1.03.01-08)*

Объектларни қуриш бўйича меҳнат ва хизматининг шартномавий баҳоси жорий нархда танлов савдолари натижалари бўйича белгиланади.

Қурилиш объектларини бошланғич баҳоси буортмачи томонидан ШНҚ 4.01.16-04 "Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари"га мувофиқ ресурсларни жорий нарх ва тарифларда прогноз этиб тузилган харажатлар калькуляцияси асосида ресурс смета бўйича аниқланади.

Бунда ресурс сметаларини чиқариш тартиби сақланиб қолган тақдирда, марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига молиялаштириладиган янгитдан бошланадиган қурилиш объектлари бўйича асос нархларда смета ҳужжатлари тузилмайди.

Объектлар қурилишининг бошланғич нархи танлов савдоларини ўтказишида мўлжал ҳисобланади ва пудрат шартномасини тузиш учун асос бўлаолмайди.

Танлов савдоларида иштирок этаётган пудрат ташкилотлари (даъвогарлар) танлов нархларини қуидагилардан келибчиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар:

ускуналар сони ва номенклатурасидан; меъёрий иш ҳажмидан;

### ***Курилишининг қиймати***

Айни вақтдаги нархларда объектлар қурилишининг бошланғич қийматини аниқлаш тартиби мазкур ШНҚнинг 4 бўлимида келтирилган. Курилиш обьектининг келишув асосидаги баҳоси танлов савдоларида белгиланади.

#### *Смета ҳужжатлари (КМК 1.03.04-97)*

Намунавий лойиҳавий ёки намунавий лойиҳавий ёчими таркибида ишланадиган смета ҳужжатлари қуидаги максадларга хизмат қиласди: лойиҳалаштирилаётган корхона, бино ва иншоотларнинг техник - иктисадий кўрсаткичларини аниқлаш ва унга баҳо бериш; йириклиштирилган смета меъёрларини ишлаш; қурилишининг смета қийматини 1991 йил нархлари даражасида лойиҳани маҳаллий шароитга боғлаган ҳолда аниқлаш; қурилиш қийматини ҳозирги нархларда аниқлаш (келишилган нархлар).

Смета нархлари қуидаги жараёнларда аниқланади: ишчи ҳужжат ва ишчи лойиҳани тузиш жараёнида иш чизмалари ва шунга мослашган йириклиштирилган нархлар, булар бўлмаганданда ускуналар монтажига доир бирлик нархлар ва нарх кўрсаткичлар асосида тузилган сметалар буйича аниқланади; лойиҳани ишлашда ўхшаш обьектларнинг нархлари, йириклиштирилган смета меъёрлари, йириклиштирилган нархлар, йириклиштирилган қурилиш қиймати кўрсаткичлари (ЙККК) ва ўхшаш обьектларнинг қиймат кўрсаткичлари буйича аниқланади, бунда смета ҳисобларида аниқланган қийматга кузда тутилмаган ишлар учун 5% қўшимча сумма ёзилади.

Бино ва иншоотларнинг лойиҳа босқичида тасдиқланган смета қиймати ишчи ҳужжатларни тайёрлашда чегара ҳисобланади. Намунавий лойиҳаларнинг смета ҳужжатлари "Методические рекомендации по

определению сметной стоимости строительствав республике Ўзбекистон" номли тавсиянома коидалари асосида тайёрганади.

Курилишнинг бирор конкрет худуди учун ишланаётган корхона, бино ва иншоотнинг намунавий лойиҳадаги смета қиймати, лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида маҳаллий нархларда ҳисобланади.

Агар намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун берилган вазифада курилишнинг конкрет худуди кўрсатилмаган бўлса, смета қиймати базис нархларда аниқланади.

Базис сифатида Тошкент шахридаги нархлар қабул килинади.

Намунавий лойиҳалар учун базис нархларда смета тузишда маҳаллий материаллар учун смета нархлари Ўзбекистан Республикаси Давархитектқурилиш қумитасида тасдиқлаган маҳаллий қурилиш материаллари, бетон ва темир-бетон буюмларнинг смета нархлари тўплами асосида қабул килинади.

Ускуналар қийматини аниқлашда йул ва омборхона харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

Устама харажатлар фоизларда ҳисобланади: умум қурилиш ишлари учун -18,2; шу жумладан, йирик панелли ва ҳажмий блокли уй жойларнинг ер усти қисми учун -14,6; монтаж ва маҳсус ишлар учун белгиланган тартибда тасдикланадиган, ягона чегаравий меъёрлар буйича; режавий жамғармалар - 18,0 (тугри харажат ва устама буромадга нисбатан).

Эслатма Умум қурилиш ишларига устама харажатлар микдори шартли равищда қабул қилинган, намунавий лойиҳаларни маҳаллий шароитга мослаштирганда аниқлик киритилади.

**Намунавий лойиҳаларнинг сметалари қуйидаги иш турлари ва харажатлар:** умум қурилиш (бинонинг ер ости ва ер устки қисмлари), санитар техника, электр монтаж ишлари, алока сигналлаштириш, автоматика, ускуналарни олиш ва урнатиш ишлаб чиқариш, хужалик жиҳозлари ва мебель учун алоҳида равищда тузилиши лозим.

Алоҳида иш турларини сметалар шунингдек ишчи чизмаларга кўра

тузиладиган сметанинг алоҳида қисмлари буйича тарқатиш, қурилишии ихтисослаштириш талабларини кондириши ва намукавий лойиҳани қурилиш шароитига боғлагандаги смета қийматини аниқлаш имконини берини зарур.

Агар намунавий лойиҳа конструктив ечим ва пардозлаш тури буйича ҳар хил вариантлардан ташкил топган бўлса, бу вариантлар учун қабул қилинадиган ишнинг таркиби, ҳажми ва қиймати, шунингдек, смета меъёрлари шифри ва тартиб раками ҳамда бирлик нархлар, ишчи чизмалар асосида тузиладиган сметаларда келтирилади.

### **3.2. Қурилиш конструкцияларини ҳисоблашда фойдаланадиган меъёрий ҳужжатлар.**

Намунавий лойиҳа ечимларининг смета ҳужжатлари, уларни ишлаш учун берилган топширикда кўрсатилган ҳажмда бажарилади.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари учун смета ҳужжати тузилмайди.

*Алоҳида талаблар* - Намунавий лойиҳавий ҳужжатлари таркибига ЭХМ нинг дастурий воситалари ва булар учун зарур булган дастлабки маълумотлар ҳам киритилни мумкин.

Булар намунавий лойиҳавий ҳужжатларини шароитга боғлаш ва таҳrir қилинадиган, лойиҳавий ишларида автоматлаштириш воситаларини куллашни таъминлаш ёки бирмунча енгиллаштириш имконини беради.

Лойиҳа материалларига (ишчи лойиҳага) ва ишчи ҳужжатларга қўйидагилар имзо куяди: умумий изоҳноманинг титул варағига, шунингдек барча альбом ва тўпламларига институт директори ёки бош муҳандиси (архитектори), лойиҳавийнинг бош муҳандиси (архитектори), бош план тархига булардан ташқари бўлим бошлиғи ва ижрочи; бошқа материалларга лойиҳанинг бош муҳандиси (архитектори), бўлим бошлиғи, меъёр тафтишчиси ва ижрочи; смета ҳужжатларига шу ҳужжатларга масъул шахслар имзо чекадилар.

Техник ечимлар ва ишчи чизмаларга имзо чекувчилар: ҳар бир

альбомнинг титул варагига институт директори ёки бош муҳандиси (архитектори), етакчи лойиҳа ташкилоти ва ҳам ижрочи лойиҳа ташкилотларидан лойиҳанинг бош муҳандислари (архитекторлари); лойиҳани тайёрлашда иштирок этган илмий тадқикод институтининг директори ёки унинг муовини, лаборатория раҳбари; бошқа материалларга лойиҳанинг бош муҳандиси (архитектори), бўлим бошлиғи ва ижрочилар имзо куядилар.

Намунавий лойиҳавий ҳужжатлари буюртмачига, етакчи лойиҳа ташкилотининг раҳбари имзо чеккан кузатув хати билан бирга тақдим этилади.

Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимларини, уларга қурилиш каталогида белги куйиб, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишкумитаси фондига қабул қиласи ёки қумита топшириги билан бу ишни бирорта лойиҳа (илмий тадқикод) институти бажаради. Етакчи лойиҳа ташкилоти бу институтга намунавий лойиҳа ва бошқа ҳужжатлардан нусха кўчириб топширади.

Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимлари фондига қабул қилинган, Давархитектқурилишкуми уларни кучга кирганлигини ўзининг ахборотида маълум қиласи.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларинтаг ишчи чизмаларини етакчи лойиҳа ташкилоти кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тасдиқловчи идорага топширади.

### **3.3. Конструкцияларни ҳисоблашда юклар ва таъсирларни аниқлаш қоидалари (КМК 2.01.07-96)**

**Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун  
лоиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги**

**НИЗОМ**

“Шартномавий жорий нархларда куриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақида” ги Низом Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 15 декабр 2003 йил №9 қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 8 январ 2004 йилда 1296-сон билан рўйхатга олинган.

Мазкур «Низом ...»ни 8 январ 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида киритилиши билан Давархитектқурилишқўм томонидан 15 апрел 2003 йилда 22-сон билан тасдиқланган “Шартномавий жорий нархларда куриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақида вақтингчалик методик қўлланма” ўз кучини йўқотади.

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг рухсатисиз тўла ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

Мазкур Низом марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг лойиҳа-тадқиқот ишларини (бундан буён матнда ЛТИ) нархини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон фармони ва “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 12 сентябрдаги № 395-сон Низомини амалга ошириш учун ишлаб чиқилган. Мазкур Низом, юқорида айтиб ўтилган ЛТИнинг чегаравий қийматларини фоизларда, объектлар қурилишининг келишув жорий баҳосидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди.

1. Низом, марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларнинг инвестицион жараёни қатнашчилари учун мажбурий ҳисобланади.

2. ЛТИ ўз ичига лойиҳа хужжатларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва қурилишни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни ўз ичига олади, жумладан:

а) муҳандислик-тадқиқот ишлари;

б) томонлар ўзаро келишган босқичликка мувофиқ ҳолда лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш;

в) буюртмачи ва пудратчи томонларидан лойиҳа хужжатларини экспертлик кузатиш ишлари;

г) қурилиш устидан муаллифлик назорат ишлари.

3. Лойиҳа хужжатларининг ишланиши №1 иловага мувофиқ ҳолда, турли босқичларда амалга оширилиши мумкин:

а) уч босқичли (бошланғич техник-иктисодий асослаш (БТИА) ёки бошланғич техник-иктисодий ҳисоб (БТ/.ИХ), техник-иктисодий асослаш (ТИА) ёки техник-иктисодий ҳисоб (ТИХ) ва иш хужжатлари);

б) икки босқичли (ложиҳа ёки эскизли ложиҳа ва иш хужжатлари);

в) бир босқичли (иш ложиҳа).

Ложиҳалаш схемасини, босқичлар сонини ва уларнинг ложиҳа ишларининг умумий ҳажмига нисбатини танлаш, ложиҳалаш топшириги билан белгиланади.

Шу билан бирга, ложиҳалашнинг ҳар бир босқичининг солишишима ҳажми №2 иловада кўрсатилгандан юқори бўлиши мумкин эмас.

Танлов ҳужжатининг техник қисми, буюртмачи қарорига биноан ложиҳалаш босқичларининг бири асосида амалга оширилиши мумкин.

Танлов ҳужжатининг техник қисмини ишлаб чиқиш баҳоси №1 Иловада кўрсатилган ложиҳа хужжатларининг мувофиқ босқичи баҳосининг

15 фоизидан ошмаслиги керак ва у лойиҳа ишларининг умумий ҳажмига киритилади.

Лойиҳалаш қарорини танлов асосида ишлаб чиқишида, мукофот фонди қиймати лойиҳалаш ишларининг умумий қийматига киради ва лойиҳалашнинг умумий қийматининг 15 фоизидан ошмайди.

4. Бошланғич босқичда лойиҳалаш ишларининг қийматини аниқлаш учун қурилиш обьектининг баҳоси ўхшаш-объектлардан фойдаланилган ҳолда, йириклаштирилган солиштирма қиймат кўрсаткичлари асосида ва таққослаш шартларини ҳисобга олган ҳолда, томонлар розилиги билан битим тузиш пайтидаги жорий нархларда белгиланади.

5. Лойиҳалаш ишларининг баҳоси лойиҳалаш ишлари бозоридаги жорий нархни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади ва танлов савдоси натижалари билан аниқ белгиланади. Бунда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- а) обьектларнинг мураккаблик категорияси, №3 иловага биноан;
- б) лойиҳалашни қийинлаштирувчи ва енгиллаштирувчи омиллар, №4 иловага биноан;
- в) қизиқиш билдирган ташкилотлар билан лойиҳани келишиш.

Кўрсатилган параметрлар лойиҳалаштириш топшириғида белгиланганд бўлиши ва битим тузилишига қадар томонлар билан келишилган бўлишилган керак.

6. ЛТИ баҳсини ҳисоблашда қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- а) қурилиши тугалланган ўхшаш-объектнинг ЛТИ баҳоси бўйича;
- б) ресурсларнинг сарфланиши бўйича;
- в) ўхшаш-лойиҳалар бўйича.

Бунда, ҳисоблаш усулининг танланиши ва бошқа омилларни ҳисобга олиниши келишув асосида белгиланади.

